



## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ

**Абдуллаев Бунёд**

Термиз агротехнологиялар ва инновацион  
ривожланиш институти  
ORCID: 0009-0005-6541-0689

**Аннотация.** Мақолада Сурхондарё вилоятида экотуризмни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш инновацион тизими ёритилган. Муаллифнинг таъкидлашича, Сурхондарё вилоятининг туризм саноати салоҳиятини самарали бошқариш ва ривожлантириш бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини такомиллаштиришнинг жорий иқтисодий шароитлари, инновацион воситалари ва усулларини топиш ва мослаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу боис муаллиф томонидан Сурхондарё вилоятида экотуризмни ривожлантириш туризм индустрияси салоҳиятининг ривожланиши ва муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун соҳани юритиш ва бошқаришнинг янги усули таклиф этилган ҳамда шу асосда "Surxon Tourism" иловаси ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** Сурхондарё вилояти, экотуризм, истиқбол, туризм саноати, бошқарув қарорлари, иқтисодий шароитлари, инновацион воситалари, туризм индустрияси.

## ИННОВАЦИОННАЯ СИСТЕМА ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИХ МОДЕЛЕЙ РАЗВИТИЯ ЭКОТУРИЗМА В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Абдуллаев Бунёд**

Термезский институт агротехнологий  
и инновационного развития

**Аннотация.** В статье обозначены перспективы совершенствования путей развития экотуризма в Сурхандарьинской области. По мнению автора, эффективное управление и развитие туристического потенциала Сурхандарьинской области может осуществляться путем поиска, внедрения и адаптации к современным экономическим условиям инновационных инструментов и методов совершенствования процессов принятия управленческих решений. Поэтому автором предложен новый способ ведения и управления отраслью в целях обеспечения развития потенциала туристической отрасли и успешной работы по развитию экотуризма в Сурхандарьинской области и на этой основе разработано приложение «Surxon Tourism».

**Ключевые слова:** Сурхандарьинская область, экотуризм, перспектива, туристическая отрасль, управленческие решения, экономические условия, инновационные инструменты, туристическая отрасль.

## INNOVATIVE SYSTEM OF ECONOMETRIC MODELS OF ECOTOURISM DEVELOPMENT IN SURKHANDARYA REGION

**Abdullaev Bunyod**

*Termiz Agrotechnologies and Innovative Development Institute*

**Annotation.** *In the article, the prospects of improving the ways of ecotourism development in Surkhandarya region are outlined. According to the author, effective management and development of tourism industry potential of Surkhandarya region can be done by finding, introducing and adapting the current economic conditions, innovative tools and methods of improving management decision-making processes. Therefore, the author proposed a new way of conducting and managing the industry in order to ensure the development of the potential of the tourism industry and the successful operation of the development of ecotourism in the Surkhandarya region and on this basis "Surkhon Tourism" application was developed.*

**Keywords:** *Surkhandarya region, ecotourism, perspective, tourism industry, management decisions, economic conditions, innovative tools, tourism industry.*

### **Кириш.**

Бугунги кунда тез ўзгарувчан иқтисодиётда Ўзбекистон Республикасида туризм саноати мамлакатнинг иқтисодий даражасини оширадиган муҳим иқтисодий сектор ҳисобланади. Аммо ҳудудларда туризм индустриясини бошқаришга ёндашувни етарли даражада самарали деб ҳисоблаш мумкин эмас, шунинг учун тадқиқотнинг долзарблиги ушбу соҳанинг сўнгги йилларда жадал ривожланиши билан белгиланади, бу ички ва ташқи муҳитнинг ноаниқлиги ва беқарорлиги шароитида минтақавий бирликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлигини белгилайдиган ҳар бир аниқ минтақанинг бошқа турдош иқтисодиёт тармоқлари билан кўп тармоқли ва ўзаро чамбарчас боғлиқликда намоён бўлади.

Бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг натижалари кенг тарқалди ва Сурхондарё вилоятининг туристик салоҳиятини ривожлантириш жараёнида кўшимча татбиқ этилди, хусусан, туристик йўналишлар шакллантирилди, улар таркибига табиий ва маданий мерос, туристик инфратузилма, таълим, дизайн ва илмий муассасалар, суғурта ва молиявий ҳамда бошқа ташкилотлар киради. Туризм индустриясида йўналишлар фаолиятининг аҳамиятига оид назарий ва амалий даражадаги кўплаб тадқиқотларга қарамай, уни амалга ошириш модели ҳақида умумий фикр мавжуд эмас.

Туризм индустрияси салоҳиятини инқирозли вазиятдан чиқишга қаратилган илмий-услубий ёндашувнинг элементларидан бири бизнингча, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли йўналиши сифатида кўриш мумкин.

Таҳлил натижалари шундан далолат берадики, Сурхондарё вилоятининг туризм саноати салоҳиятини самарали бошқариш ва ривожлантириш бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини такомиллаштиришнинг жорий иқтисодий шароитлари, инновацион воситалари ва усулларини топиш, жорий этиш ва мослаштириш орқали амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун туризм индустрияси салоҳиятининг ривожланиши ва муваффақиятли ишлашини таъминлаш учун соҳани юритиш ва бошқаришнинг янги усуллари зарур.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Кўпгина тадқиқотчилар туризм саноати салоҳиятини ривожлантиришда йўналишлар фаолиятини йўлга қўйиш ва улар фаолиятини тўлиқ реклама қилиш энг самарали модел деб ҳисоблайдилар. Айнан у тармоқни структуралаштириш ва модернизация қилиш жараёнини тезлаштириш ва уни миллий иқтисодиётни

ривожлантиришнинг самарали сегментига айлантира олиш ҳамда омма ўртасида ташвиқот ишларини ошириш, туристларни жалб қилиш имкониятини беради.

Портернинг (2017) фикрича, экотуризмни илмий асосланган ҳолда эконометрик моделлаштириш “иқтисодий кўрсаткичларни ташкил этишнинг аниқ усули бўлиб, мамлакат иқтисодий ривожланишига улкан прогрессив таъсир кўрсатишга қодир”.

Чабанюкнинг (2017) сўзларига кўра, туристик хизмат моделлари хизматларга талаб ҳажмини, унинг мавжуд ва режалаштирилган комплекслар ва оқимларнинг интенсивлигига турли хил табиий, иқтисодий, демографик ва бошқа шароитларнинг таъсири ўртасида тақсимланишини башорат қилиш, туристик хизматларга бўлган талабнинг эгилувчанлигини тарифлари даражаси бўйича ўрганиш учун қурилади.

Мирзаевнинг (2021) эътирофича, туризм индустриясида экономик моделлаштиришнинг афзалликлари куйидагилардан иборат:

туристик ресурслардан самарали фойдаланиш ва туризм саноатининг рақобатбардошлигини ошириш;

туризм саноатидаги инновацион лойиҳаларга хорижий инвесторларни жалб этиш ва бу орқали мамлакат ҳудудлари жозибдорлигини оширишга кўмаклашиш;

туристик инфратузилмани янада ривожлантириш учун давлат, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

маркетинг ва реклама фаолияти учун харажатларни камайтириш, туристик брендни ривожлантириш ва илгари суриш.

Михайличенко (2010) “Мамлакат минтақаларининг туристик ресурсларини баҳолаш учун улардан гравитатсияцвий моделлаштириш ва ҳудудлардаги туристик фаолиятни прогнозлаш орқали фойдаланиш қизиқ”, деб таъкидлайди.

### **Тадқиқот методолияси.**

Тадқиқотни амалга оширишда экотуризмни ривожлантириш йўлларини такомиллаштиришнинг энг муҳим омилларни ўрганган ҳолда туристик хизматларга бўлган талабнинг инновацион тизими борасидаги тадқиқот услубиётлари назарий жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Шу билан бирга туризм саноати салоҳиятини самарали бошқариш ва ривожлантириш бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларини такомиллаштиришнинг инновацион воситалари ва усулларини топиш, умумий траекториясини аниқлашга ҳаракат қилинган. Ушбу жараёнда экотуризмни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш инновацион тизимидан монографик тадқиқот, таққослаш, тизимли таҳлил ҳамда эмпирик тадқиқот каби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Бугунги кунда туризм индустриясида минтақанинг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган йўналишларга асосланган ёндашувдан фойдаланиш жуда долзарбдир, яъни: инвесторларнинг кўпайиши, вилоят бюджетига тушумларни ва аҳоли бандлигини ошириш, миграция жараёнларини қисқартириш, маҳаллий туристик товарлар ва хизматларга талабнинг ортиши, минтақанинг экологик ривожланиши масалалари бузилишини олдини олиш, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган янги бозор механизмларидан самаралироқ фойдаланиш ва бошқа имкониятларни пайдо бўлишига олиб келади (Воскобойникова, 2000).

Тадқиқот ишида Сурхондарё вилоятида туризм салоҳиятини ривожлантириш, кенг оммага таништириш ва асосийси туристларни жалб қилишни кенгайтириш мақсадида “Surxon Tourism” иловаси ишлаб чиқилди. “Surxon Tourism” мобил илова дастурида Сурхондарё вилоятидаги эко туризм, тиббиёт туризми, маданий туризм, тарихий туризм, экстремал ва тоғ туризми, агро туризм, зиёрат туризми манзилгоҳлари

ва mavjud muzeylar haqida ma'lumotlar tizimlashtirilgan. Ilova ichki va tashqi turizm foydalanuvchilari uchun online xizmat kursatadi.

Ilova foydalanuvchi turgan nuqtadan turistik manzilgoxga qadar eltuvchi yul (eki yullar) ni haritadan kurish, ungacha bulgan masofani aniqlash va turistik manzilgox haqidagi matnli va rasmlil ma'lumotlar olish vazifalarini bajaradi. Ilova turizm manzilgoxlarini turizm turi eki ular joylashgan tumanlar buyicha saralash imkoniyatlari mavjud va usbu ilovadan foydalanuvchilar uchun qullanma taklif etilgan. Unga kura:

1. Dasturdan foydalaniش uchun mavjud uziga xos

talablar mavjud bulib xususан, android 5.0 eki undan yuqori bulgan operatsion tizim urnatilgan qurilma bulishi xamda qurilma hotirasidan 30 mb bus joyga эга bulishi lozim.


2. Dasturni qurilмага urnatish tartibi Qurilmada play market ilovasi orqali "Surxon Tourism" nomi bilan ezib qidirganda quyidagi (1-rasm) kurinishdagi erliqqa эга bulgan dastur tanlanadi eki quyidagi:



"<https://play.google.com/store/apps/details?id=uz.ithelp.surxontourism&pli=1>")

xavola orqali topish mumkin.

3. Dastur tanlangach urnatish oynasi ochiladi (2-rasm), usbu oynadan "Urnatish" tugmasi bosiladi.

4. Dastur urnatilgach uni ochish mumkin (3-rasm).

5. Dasturni ishga tuшириш tartibi buyicha ta'kidlash joizki, dastur urnatilgandan sunг ilovalar oynasida quyidagi  erliq hosil buladi. Erliq ustiga bosish orqali ilova ishga tuшadi.



1-rasm. Qidiruvda chiqqan xolat

2-rasm. Urnatish xolati


3-rasm. Ishga tuшириш xolati

Ilova birinchi марта ishga tuширилганда Uzbekistonning diqqatga sazovor turistik shaharlari suratlari namoyish etiladi (5-rasm), bu bosqichdan "next" tugmasini bosish orqali utiladi.


6. Dasturdan foydalaniш tartibi:

6.1. "Surxon Tourism" ilovasi asosiy oynasi sarlavxa satри, boш menu, Surxondarё viloyati tumanlarini aks ettiruvchi foto slaydlar lentasi, turizm turini tanlash qatori, tanlangan turizm turiga oid manzilgoxlar ruyxati maydonlari xamda "Boш oйнаga qaytish", "Izlash", "Sevimli manzilni belgilash" tugmalaridan iborat (6-rasm).






4-расм. Иловани ишга тушурувчи ёрлик кўриниши




5-расм. илова биринчи марта ишга тушурилганда қуйидаги кўринишлар “Next” бўлиmidан кетма-кет босилиб асосий ойнага ўтилади




6.2. Сарлавҳа сатрида илова номи акс эттирилган.


6.3. Бош менюда “Харита”, “Илова ҳақида”, “Биз билан боғланинг”, “Тил”, “Ортга” буйруқлари жойлашган (7-расм).



6-расм. Асосий ойнанинг кўриниши



7-расм. Бош меню



8-расм. Тилни ўзгартириш ойнаси

6.4. “Харита” буйруғи босилганда фойдаланувчи турган манзил харитаси дастур ойнасида намоиш этилади.

6.5. “Илова ҳақида” буйруғи босилганда илова муаллифи ҳақидаги маълумотлар тақдим қилинади.

6.6. “Биз билан боғланинг” буйруғига мурожаат қилинганда муаллиф билан телеграм орқали боғланиш имконияти тақдим этилади.

6.7. “Тил” буйруғи танланганда дастур интерфейси тилини инглиз, рус ёки ўзбек тилларига ўтказиш имконияти тақдим этилади (8-расм).

6.8. “Ортга” буйруғи бош менюдан чиқиш вазифасини бажаради.

7. Дастурнинг юқори қисмида Сурхондарё вилояти туманларини акс эттирувчи фото слайдлар лентаси жойлаштирилган бўлиб (9-расм), у қуйидаги кўринишга эга.



9-расм. Сурхондарё вилояти туманларини акс эттирувчи фото слайдлар лентаси

8. Керакли туман танланганида дастур ойнасида шу туманнинг харитаси ва унинг қўйи қисмида мазкур туманда жойлашган туризм манзилгоҳлари акс эттирилган слайдлар лентаси пайдо бўлади.

Туризм индустрияси салоҳиятини ривожлантириш учун, бизнингча, мамлакат саноати ва унинг алоҳида ҳудудларини комплекс баҳолашдан фойдаланадиган ёндашувдан фойдаланиш ва айнан ҳудудий туризм йўналиши бўйича кўп омилли прогнозларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода тадқиқотда экотуризм йўналиши бўйича олиб борилган эконометрик таҳлиллар натижасида аниқланган 3 та сценарий бўйича прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ва улар бўйича ҳулосалар чиқариш ўринли.

Шундан келиб чиқиб, олинган натижалардан фойдаланган ҳолда, Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини ўзгаришини прогноз кўрсаткичларини (1\*)-регрессия тенгламасидан:

$$TBS = \frac{EOS^{0.08} * EMH^{18.7} * KXT^{0.37}}{e^{57.3478}} \quad (1^*)$$

ҳамда таъсир этувчи ҳар бир омилларнинг вақтга боғлиқ тенгламаларидан:

- экотуризм объектлар сони –  $EOS = -2,6 + 1,4 * t$ ;

- вилоятда жами экотуризм учун ажратилган майдон ҳажми –  $EMH = 25,2 + 0,14 * t$ ;

- кўрсатилаётган хизмат турлари –  $KXT = 0,6 + 1,1 * t$ .

$t=15$  дан бошлаб тенгламалар тизимини ўрнига қўйиш усулидан фойдаланган ҳолда, Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари аниқланади (1-жадвал).

Жадвалда келирилган 1-сценарий бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари натижасига эътибор қаратадиган бўлсак, 2030 йилга бориб 2023 йилга нисбатан 337,8 минг кишига ошиб 659,8 минг нафарга етиши кутилмоқда. Албатта, бундай натижага экотуризм объектлар сони 2030 йилга 9 тага, экотуризм майдони ҳажми 840 м<sup>2</sup> га ва хизмат кўрсатишлар сони 7 тага ошиб мос равишда 27 тага, 28,14 минг м<sup>2</sup> ва 24 тага етиши ҳисобидан амалга оширилиши аниқланди.

## 1-жадвал

1-сценарий бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари<sup>73</sup>

Йиллар	Ташриф буюрувчилар сони, минг киши	Экотуризм объектлар сони, бирлик	Экотуризм майдони жами, минг м <sup>2</sup>	Кўрсатилаётган хизмат турлари, бирликда
2024	322,0	18	27,3	17
2025	364,7	20	27,44	18
2026	412,1	21	27,58	19
2027	464,8	23	27,72	20
2028	523,3	24	27,86	22
2029	588,1	25	28	23
2030	659,8	27	28,14	24

2-сценарий бўйича ўтказилган эконометрик таҳлил натижасида аниқланган Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини ўзгаришини прогноз кўрсаткичларини (2\*)-регрессия тенгламасидан:

$$TBS = \frac{EIS^{0.7} * SEM^{0.4} * e^{5.87}}{KBX^{0.87334}} \quad (2^*)$$

хамда таъсир этувчи ҳар бир омилларнинг вақтга боғлиқ тенгламаларидан:

киши бошига сарфланган харажат –  $KBX = 113,5 + 7,3 * t$ ;

экотуризмда ишчилар сони –  $EIS = -5,4 + 4,1 * t$ ;

сарфланган энергия миқдори –  $SEM = -6,8 + 5,6 * t$ .

t=15 дан бошлаб тенгламалар тизимини ўрнига қўйиш усулидан фойдаланган ҳолда, Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари аниқланади (2-жадвал).

## 2-жадвал

2-сценарий бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари<sup>74</sup>

Йиллар	Ташриф буюрувчилар сони, минг киши	Киши бошига харажатлар, минг. сўм	Экотуризмда ишчилар сони, минг киши	Сарфланган энергия миқдори, млн. сўм
2024	300,4	223	56	77,2
2025	315,6	230,3	60	82,8
2026	330,2	237,6	64	88,4
2027	344,1	244,9	68	94
2028	357,5	252,2	73	99,6
2029	370,4	259,5	77	105,2
2030	382,9	266,8	81	110,8

2-жадвалда келтирилган олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Сурхондарё вилоятида 2030 йилга бориб, экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сони 382,9 минг кишини ташкил этиши кутилмоқда. Бу эса, 2023 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошишини англатади. 2030 йилга қадар ушбу кўрсаткичнинг ўртача йиллик ўсиш даражаси 19,2% ни ташкил этади.

Энди Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини 3-сценарий бўйича ўзгаришини прогноз кўрсаткичларини (3\*)-регрессия тенгламасидан:

<sup>73</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>74</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

$$TBS = \frac{ESX^{1.9} * EOD^{1.5}}{RUX^{3.5} * e^{1.2137}} \quad (3^*)$$

хамда таъсир этувчи ҳар бир омилларнинг вақтга боғлиқ тенгламаларидан:

- экотуризмга сарфланган жами харажат  $-ESX = -4,4 + 4,7 * t$ ;
- экотуризмдан олинган даромад  $-EOD = -1,4 + 2,2 * t$ ;
- реклама учун харажат  $-RUX = 1,4 + 0,3 * t$ .


t=15 дан бошлаб тенгламалар тизимини ўрнига қўйиш усулидан фойдаланган ҳолда Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрганлар сонини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари аниқланади (3-жадвал).

3-жадвал

**3-сценарий бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини ўзгаришини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари<sup>75</sup>**

Йиллар	Ташриф буюрувчилар сони, минг киши	Экотуризмга сарфланган жами харажат, млрд. сўм	Экотуризмдан олинган даромад, млрд. сўм	Реклама учун харажат жами, млрд. сўм
2024	304,0	66,1	31,6	5,9
2025	322,1	70,8	33,8	6,2
2026	339,0	75,5	36	6,5
2027	354,9	80,2	38,2	6,8
2028	369,8	84,9	40,4	7,1
2029	383,8	89,6	42,6	7,4
2030	396,9	94,3	44,8	7,7

Жадвалдаги 3-сценарий бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм йўналишига ташриф буюрувчилар сонини ўзгаришини кўп омилли прогноз натижаларига кўра, 2030 йилга бориб вилоятга йўналиш бўйича ташриф буюрувчи туристлар сони 396,9 минг нафарга етиши бу эса, албатта, экотуризмни ривожлантиришга сарфланадиган харажатлар миқдорини 2024 йилга нисбатан 28,2 млрд. сўмга ошириб 94,3 млрд. сўмга етиши ва реклама учун харажатлар ҳажмини 7,7 млрд. сўмга тенг бўлиши билан амалга оширилиши мумкин.



**10-расм. Барча сценарийлар бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини ўзгаришини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари таҳлили<sup>76</sup>**

<sup>75</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

<sup>76</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Бундай ижобий натижалар ортидан Сурхондарё вилояти экотуризм фаолиятининг ўзидан 44,8 млрд. сўм даромад олишга эришилиши кутилмоқда.

Тадқиқотда олиб бориб борилган 3 та сценарий бўйича умумлаштирилган хулоса қилиш учун уларнинг ҳар бирини бир графика жойлаштирилган ҳолда таққослама таҳлилини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, EXCEL дастури ёрдамида берилган ва аниқланган прогноз натижаларидан фойдаланган ҳолда -расмда келтирилган график ўзгариш тенденцияларини ифода этамиз (10-расм).

10-расмда келтирилган барча сценарийлар бўйича Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини ўзгаришини кўп омилли прогноз кўрсаткичлари таҳлиliga эътибор қаратадиган бўлсак, 1- сценарий бўйича келтирилган омилларга устуворликни берилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, унинг натижасида Сурхондарё вилоятига экотуризм бўйича ташриф буюрувчилар сонини 659,8 минг нафарга етказиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, 1 ва 2-сценарийдан деярли 1,7 марта кўп эканлигини тасдиқлайди. Шу ўринада алоҳида таъкидлаш лозимки, агар сценарийлар бўйича танланган омилларнинг турличалигани эътиборга оладиган бўлсак, бир вақтнинг ўзида 3 та сценарий бўйича умумлаштирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб уларни амалга ошириш ҳам мумкин бўлиб, бу кўзлаган мақсадга янада тезроқ эришиш имконини беради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Сурхондарё вилоятида экотуризмни ривожлантириш эконометрик моделлари йўллари такомиллаштириш жараёнларни фаоллаштириш учун қуйидагилар зарур:

туристик кластерларни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича шаклланган стратегия;

минтақада туристик кластерни бошқаришнинг иқтисодий ва молиявий илмий-услубий ёндашуви;

туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саноатни ривожлантиришнинг инновацион тизимини жорий этиш;

кичик ва ўрта бизнесни субсидиялашнинг услубий ёндашувини ўрнатиш;

туризм саноати салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган экологик вазиятни яхшилашга қўмаклашиш ва ҳоказо.

Тадқиқот бўйича аниқланган хулоса ва таклифларни амалга жорий этилиши туризм индустриясини ривожлантиришда мультипликатив эффект яратишга қодир, айрим ҳолларда эса, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш режаларининг асоси сифатида кўриш керак. Бозор иқтисодиёти шароитида туризм индустрияси мустақил ва тенг ҳуқуқли соҳага айланиши учун давлат органлари томонидан ушбу соҳада тартибга солиш функцияларини бажарадиган қонунчилик базасини такомиллаштириш зарур.

### **Адабиётлар / Литература/ Reference:**

Воскобойникова Н.Н. (2000) *Экологический туризм: особенности и перспективы развития* / Н. Н. Воскобойникова // *Тр. Акад. туризма. – Вып. 3. – СПб. : Невский фонд, – С. 213.*

Мирзаев А.Т. (2021) *Ўзбекистонда туристик-рекреация фаолиятини бошқаришнинг услубий жиҳатлари: ўзгаришлар ва истиқболлар: Монография/ Мирзаев А.Т.; муҳаррир Г.Ш.Ханкелдиева – Фарғона: Al-Ferganus, -164 б.*

Михайличенко Г. (2010) *Менеджмент туризма: учебник. М, “Просвещение”. 502 с.*

Портер М. (2017) *Безопасность региональных туристических систем: теория, методология и проблемы обеспечения: монография. Львов: ЛГУФК, -350 с.*

Чабанюк О.В. (2017) *Когнитивное моделирование развития туристической сферы. Бизнесинформ. №10. С. 166-173.*